

«УДДАБУРОНЛАР» ПАНД ЕДИ

Кўрилган чора-тадбирлар самараси ўларок, кўпчилик ҳавас қиладиган савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари сони кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ, айрим ҳолларда мўмай даромад илинжида қонунбузарликларга йўл қўётган тадбиркорларнинг учраб тургани ачинарли ҳол...

2

ҚАТЪИЯТ ВА
ТАШАББУСКОРЛИК
КЕРАК

Вилоят Кенгашлари конференцияларида фаолиятни янада кучайтиришга қаратилган тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди



3

БОКСЧИЛАРИМИЗ
ГАЛАБАСИ

Ҳамюртларимиз Олимпиада ўйинларида, кўта ва жаҳон чемпионатларида, турли нуфузли халқаро мусобақаларда мувоффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишмоқда. Ватанимиз шухратига шухрат қўшишмоқда.



4

O'zbekiston
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 39
(743)
2009 йил
18 сентябрь,
жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИРАМАЗОН ҲАЙИТИНИ
НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кўни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонида мувофиқ:

1. 2009 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кўни 21 сентябрда тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мухожатино илобатга олиб, 2009 йил 21 сентябрь дам олиш кўни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВТошкент шаҳри,
2009 йил 16 сентябрьЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА
САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ
БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат мuddатлари 2009 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кулигининг биринчи якшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь кўни ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига» Қонуни 19-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилик нормаси ўртача 127,5 миң сайловчи ҳисобидан белгилансин.

(Давоми 2-бетда.)

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИДА

17 сентябрь кўни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Маълумки, шу йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат мuddатлари тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кулигининг биринчи якшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь кўни ўтказилиши лозим.

(Давоми 2-бетда.)

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Обод юртга кўркам
уйлар ярашади

ёхуд кўргазма қолдирган таассурот

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, ҳафта мобайнида давом этган ва уч кун муқаддам катта муваффақият билан якунланган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир доирасида ташкилотчи компания ва корхоналарнинг тақдиротлари, шунингдек, мутахассислар иштирокида турли мавзуларда семинарлар ўтказилди.

Кўргазмага мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган вакиллар ҳамда ўнлаб қурилиш ва

миллий хунармандчилик, дизайн коллежларидан таширф бюрган ўқувчилар билан якуний тадбир жараёнидаги суҳбатлашув онларига муяссар бўлди.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» бош лойиҳа-қидирув институти, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу кўргазма қишлоқ аҳоли учун аини мудабо бўлди, — дейди «Қашқадарё қурилиш лойиҳа сервис» масъуляти чекланган жамияти раҳ-

бари Абдуфаттоҳ Жабборов. — Буни давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига дастлабки амалий жавоблардан бири деб биламан. Ушар қарордан сўнг барча вилоятлардаги каби Қашқадарёда ҳам уй-жойлар қўламини ошириш режалари зудлик билан ишлаб чиқилди. Масалан, шу йил охирига қадар вилоятнинг бешта ҳудудда замонавий қишлоқ аҳоли пунктлари барпо этилади. Уларни лойиҳалашда воҳа меъморчилик усуллари таяниб, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган янги ишланмалар тайёрланган. Уларда ҳудудимизнинг табиий-иқлим ва рельеф шароитлари тўла инобатга олинган.

(Давоми 4-бетда.)

Парламентда

Янги қонун
лойиҳасида

жисмоний шахсларнинг хусусий
тибббий амалиёт билан юридик
шахс сифатида шуғулланишини
таъминловчи ўзгартиш
тақлиф этилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров бошқарган йиғилишда фракция аъзолари, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этишди.

Дастлабки йиғилишда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги республика ахборот-кутубхона маркази директори А.Ишматовнинг «Ўзбекистонда ахборот-кутубхона тизимининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида»ги ахборотини тинглаш ҳақидаги масала муҳокама этилди. Шундан сўнг Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди. Қўйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ойша Охунова қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва мақсадлари тўғрисида сўзга чиқди.

Маълумки, иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) касаллиги бугунги кунда глобал муаммага айланди. Мамлакатимизда мазкур касаллиқнинг олдини олиш борасида мунтазам равишда тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида», «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2008 йил 26 декабрь) қарори асосида ОИТСга қарши курашишнинг ягона тизимли ташкил этилган. ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси фаолият кўрсатмоқда.

Жиноят кодексининг 113-моддаси 4-қисмида ушбу касаллиқнинг олдини олишнинг жиноий-ҳуқуқий чораси кўрсатилган. Унда бида туриб бошқа шахсин ОИТС касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш ёки юктирганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Аммо...

— Жиноят кодексидида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик Жиноят кодексининг 116-моддасида белгиланган бўлса-да, бевосита ОИВ инфекциясини юктириш 116-модда диспозициясига мувофиқ қўймайди, — деди Ойша Охунова. — Шу боис, 113-моддага касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида бошқа шахсга ОИВ инфекциясини юктирганлик учун жиноий жавобгарликни белгилловчи махсус норма киритилмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

Семинар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент қўйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Бола ҳуқуқларини химоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва во-

Бола ҳуқуқлари доимо эътиборда

яга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисmini воёга етмаганлар ташкил этади. Уларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Айниқса, юртимизда болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик

қилиш, соғлом авлодни камол топтириш учун барча зарур шарт-шароит ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлашга қаратилган ижтимоий дастурлар устуворлигига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Воёга етмаганлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Н.Со-

диқовнинг таъкидлашича, 2009 йилнинг биринчи ярмида содир этилган қонунбузарликлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,2 фоизга камайган. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари самарасидир.

Тадбирда сўзга чиққан халқаро экспертлар Ўзбекистонда баркамол авлод камоли йўлида амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этишди.

Ғулом ХИДИРОВ,
«Адолат» мухбири.Саян-Шушенск ГЭСи тўғони машина
зали устига силжиб, босиб қолди

Саян-Шушенск ГЭСида содир бўлган авария жуда кенг доирадаги жамоатчилик диққат-эътиборини ўзига қаратди. Гидроэнергетикадаги бу йирик фалокат тўғрисида расмий хулосалар чиқарилишига ҳали бир оз мuddат бор. Ҳозирча эса, соҳанинг нуфузли мутахассислари ўртасида гидроэнергетика дурдонаси, деб тан олинган станцияда нима воқеа юз берганлиги тўғрисида баҳалашувлар давом этаётган. Саян-Шушенск ГЭСи тўғонини 12 йилдан бери ўрганаётган техника фанлари доктори Владимир Тетельмин гидротехника соҳасидаги етакчи экспертлардан бири саналади. У биринчи ва иккинчи қақриқ Россия Давлат Думаси депутати, «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг муаллифларидан биридри. Шарҳловчи Сергей Лесков билан қилган суҳбатда профессор В. Тетельмин Россиянинг ушбу маҳобатли гидростанциясида рўй берган фожиага доир ўз қарашларини баён этди.

— Владимир Владимирович, Саян-Шушенск ГЭСига таавлуқли дастлабки таассуротимни айтганидан бўлсам, энг аввало, унинг гоятда бахайбат иншоот эканини таъкидлашимга тўғри келади. Бироқ Миср эҳромлари ва қалъа деворларидан фарқи ўларок,

ушбу станция қудратли гидромашиналардан тортиб, ўта сезгир тензорларгача бўлган мураккаб жиҳозлардан тикланган. Ташқаридан кузатган кишига тўғон баъзилда бахайбат харсангдай бўлиб туюлади. Аслида эса, минглаб шахталардан таркиб топган

чумоли уясининг худди ўзгина-сидир. Бундай аҳволда қурилишнинг ички тарҳи қутилганидан анча мураккабдай бўлиб туюл-майди, кишига? Ва жаҳонда қўйси топилмайдиган бундай ар-касмон-гравитацияли қурилма-нинг ўзи нима?

— Гравитацияли (тортишувчан) тўғонлар асоси дарёнинг тубига таянади, арқасимон тўғонлар эса дарё қирғоқларига мустаҳкам туташтирилиб бунёд этилади. Узунлиги бир километрдан кўпроқ, баландлиги эса 250 метрга яқин бўлган Саян-Шушенск ГЭСини барпо этишда тўғон қурилишининг ҳар икки тамойилига ҳам амал қилинган. Ва бу ҳолат тўғоннинг атроф-муҳитдаги шарт-шароитларга ўта таъсирчанлигини юзага келтиради. Тўғоннинг пойдевори сув остида қўринмайди, бироқ унинг баландлиги, аслида, 100 метрдан зиёдроқ. Енисейнинг сўл томонидаги соҳил ўта даражада майин, юмшоқ ортосланеци тип-роқ қатламидан иборат.

Гидротехниклар учун сувнинг тўғон олдидаги шитоби ҳал қилувчи аҳамиятлидир. Сувнинг юқори сатҳидаги тебраниши беҳад катта бўлиб, мавсумда 40 метргача етади, ҳарорат эса 30 даражада иссиқ ва 30 даражада совуқлик ўртасида ўзгариб туради. Бу жуда жиддий кўрсаткичлардир, лекин мазкур тўғон лойиҳалаштирилган индустриализациялаштириш ва маҳобатта беришлар даврида хайбарақаллачилик авжига чиқиб, экологик талабларга асло риоя қилинмади. Саян-Шушенск ГЭСи, бу — ички сир синовларни одамлар назаридан ниҳоятда пинҳон бўлган бахайбат «қора қути»нинг худди ўзидир.

— Диққатга сазовор бир рақам ниғоҳимга чалинди: Саян-Шушенск ГЭСидаги гидроэлектр станция 22 миллион тоннадан ташкил этар экан. Бу 500 мингта қистернадан таркиб топган оғирлик тўғонга ҳар лаҳзада босим кўрсатиб туришини аниглади.

(Давоми 2-бетда.)

лар хуудуида ёнгин юз берди», деб хабар таркатган. Фалокат оқибатида 200 га яқин киши ишлаб турган машина залини тугучулгаб олган. "Бир неча дақиқа давомидида машина залининг барча бинопаридан одамларнинг чиқариб юборилиши ташкил этилган. Ва яна бир неча дақиқа ичида ёнгин учирилган".

Бу орада эса, чоршанба кунги ГЭСдаги авария чоғида ҳалок бўлган яна бир кишининг жасади топирилган. Унинг кимлиги аниқланган. Марҳум Вячеслав Жданов экан. Шундай қилиб, 17 августда юз берган фожиа оқибатида ҳалок бўлганлар сони 74 нафарга етди. Яна бир аёл бедарак йўқолган.

Сергей ЛЕСКОВ,
(«Известия» газетаси)

Янги қонун лойиҳасида

жисмоний шахсларнинг хусусий
тиббий амалиёт билан юридик шахс
сифатида шуғулланишини
таъминловчи ўзгартиш
таклиф этилмоқда



(Давоми.
Бешлаштириш 1-бетда.)

Фракция аъзолари кiritи-
лаётган ушбу қўшимча тиб-
биёт, маъиший хизмат кўрсатиш
хотимларини касб юза-

сидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарлигини кучайтириш билан бирга, касалликнинг олдини олишда қаттиқ талабларга риоя этиш масъулиятини ҳам оширишга хизмат қилишини таъкидлашди.

«Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

— Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи врачлар томонидан даволаш ва диагностика стандартларининг қўпол бузилиши, ўзининг мажбуриятларини профессионал даражада бажармаслик фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф тугдирмоқда, — деди ушбу масала юзасидан сўзга чиққан қўли палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Отабек Раззоқов. — Шунингдек, мониторинг натижаларига қўра яқка тартибда жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатаётган шифокорларнинг қўл остида бошқа ходимлар ҳам фаолият кўрсатаётганлиги аниқланди.

Таъкидлангани, хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланувчи аксарият врачлар даволаш жараёнининг стандартларига, санитария ва гигиена қоидаларига, асбоб-ускуналар ва материалларни стерилизациялаш, шунингдек, ишлатилган тиббий буюмларини зарарсизлантириш, утилизация ва йўқ қилиш талабларига риоя этмаган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиб келишган.

Давлатимиз раҳбарининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан хусусий тиббиёт муассасалари томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун бажарилиши шарт бўлган талаб ва шартлар белгилаб берилган. Унда диагностика ва даволаш асбоб-ускуналаридан иборат замонавий моддий-техник базага эга бўлиш, тиббиёт муассасаси фаолиятини фақатгина даволаш жараёни стандартларига жавоб берадиган бино ва хоналарда ташкил этиш кабилар белгиланган.

Эътироф этилдики, мамлакатимизда фаолият юритаётган хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланувчи врачларнинг аттиги 4 фоизи тиббий хизмат кўрсатишининг стандартларига жавоб берапти.

Шу муносабат билан «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунга жисмоний шахсларнинг хусусий тиббий амалиёт билан жисмоний шахс сифатида шуғулланишини истисно этувчи ўзгариш киритиш таклиф этилмоқда. Юридик шахс сифатида эса тиббий фаолият билан шуғулланишга ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Мажлисда Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилиши назарда тутилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Фракция йўналишида муҳокама этилган барча қонун лойиҳалари муҳим эканлиги эътиборга олиниб, депутатлар томонидан концептуал нукта назардан маъқулланди. Қўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

Фарҳод ЭРКИНОВ,
«Адолат» мухбири.

Карор ва ижро

Газ таъминоти яхшиланаяпти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июндаги «Республика иқтисодий тармоқларини 2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга таъйинлаш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1136-сонли Қарорига асосан қорхонамиз томонидан табиий газдан фойдаланувчи ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тармоқларини қишки мавсумга таъйинлаш ишлари поёнига етказилмоқда.



Дарвоқе, газ таъминоти воситаларининг доимо соҳа ҳолатда бўлиши, мунтазам ишлаб туриши учун катта маблағ талаб этилади. Бунинг учун аса аҳоли, қорхона ва ташкилотлар сарф қилинган газнинг ҳақини ўз вақтида тўлаши лозим. Шунинг учун жамоат жойларида, қорхона ва ташкилотларда турли хил таъминотлар ўтказилиб, уларда сарф қилинган газнинг оловнинг ҳақини ўз вақтида ундириш чоралари қўрилмоқда.

Вилоят бўйича аҳоли томонидан тўланадиган маблағларнинг ҳисоб-китоби ишлари компьютерлаштирилган тизим орқали амалга оширилмоқда. Бу жараёнга маҳалли мутахассислар жалб этилган. Улар ҳисобларни пухта билишга, ўз соҳаларини пухта билишга, таъминотнинг ҳам қўқурди, масъулиятини ҳам қўқурди ҳис этишди. Шунинг учун ҳам қиш мўҳозлар орасидаги ҳар хил тушунмовчиликларга йўқ

қўйилмаяпти. Чалқашликларнинг олди олинмоқда. Шу билан биргаликда виллоятимиз туманларида ҳам соҳага маҳалли мутахассисларни жалб этишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Халқимиз «Элга хизмат — олий ҳиммат», деб бежиз айтмаган. Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йилида барча соҳалар қатори тизимимизда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Аҳолининг ичимлик суви, газ, электр энергияси билан таъминланиш даражаси янада яхшиланди. Бу эса давлат Дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг бекаму қўст ижро этилишини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ҳафизахон МАХМУДОВА,
Давлатчи виллоят газ таъминоти қорхонаси етакчи мутахассиси.

Шу кунларда Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий партия Кенгашларининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, делегатлар, партия фаоллари иштирок этаётган конференцияларда партия ташкилотларининг сўнгги беш йиллик фаолияти атрофлича таҳлил этилмоқда.

Тошкент виллоят партия Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида ҳудудий ташкилотнинг беш йиллик фаолияти танқидий нуктаи назардан таҳлил қилинди. Иштирокчилар қўлга киритилган ютуқларни эътироф этиш билан бирга, фаолиятда йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳақиқатдан ҳам виллоят партия Кенгаши ҳамда унинг туман ва шаҳар ташкилотлари, айниқса, кейинги пайтларда электротар маънавияти ҳимоя қилиш мақсадида жойлардаги турли ижтимоий муаммоларни ҳал этиш билан ҳар доимидан қўра кўпроқ ва самаралироқ шуғуллана бошлади. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Натижада маҳаллалардаги кўпгина муаммолар ечимини топишда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва партия фаолларининг иштироки анча кенгайди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг партияга бўлган ишончини орттириб, аъзолар сонининг ўсишига хизмат қилмоқда. Бунинг учун, Ангрэн шаҳар, Қирғиз, Оққўрғон ва Чиноз туман Кенгашлари фаолиятда кўзатиш мумкин.

Ҳар қандай сиёсий партиянинг кучи, салоҳияти унинг аъзолари сонини, ўтказиётган тадбирлари савияси ва уларга аҳолини сафарбар эта олишдада кураида. Виллоят партия Кенгаши бу йўналишда ўтган давр мобайнида талай ишларни амалга оширди. Хусусан, 2005 йилга нисбатан аъзолар 1090 нафарга кўпайди. Бошланғич партия ташкилотлари эса 68 тага ортди. Шу ўринда савол туғилади: 2,5 миллиондан зиёд аҳолиси бор пойтахт виллоят учун бу қараткич етарлими? Бу саволга жавоб бериш асосида нафақат Тошкент виллоят, балки бошқа ҳудудий партия ташкилотлари етакчилари ҳам сон эмас — сифат, режа эмас — натижа муҳимлигини таъкидлашди. Ваҳоланки, мамлакатимизда сиёсий партиялар ҳар томонлама ўзларининг намоён этилишлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратиб берилган. Бу имкониятдан оқилона фойдаланиш, сифатли сонга ҳам, натижага режага ҳам эришиш мумкин.

— Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатини модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун сиёсий партияларнинг жамиятдаги маъқулини мустақамлашга хизмат қилмоқда, — деди тадбирда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Исмомил Сайфназаров. — Таъкидлаш жоизки, Конституциявий Қонун миллий демократик жараёнлар кенг ривож топаётган юртимизда муҳим сиёсий воқеага айланди. Унда белгиланган асосий меъёрлар сиёсий партияларнинг, жумладан, «Адолат» СДПнинг ҳам давлат ва жамият қурилишидаги ролини тубдан кучайтирди. Сиёсий ва ижтимоий фаолиятини ошириш билан бирга, давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги иштирокини фаоллаштирди. Демак, фаолиятимизни тубдан жонлантириш талаб этилади. Бунда, айниқса, ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўзларининг самарали фаолияти билан иборат кўрсатишлари лозим.

Депутатлик гуруҳларининг беш йиллик фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, саволчовларнинг мурожаатлари бўйича аниқ ижтимоий вазифалар ҳал этилганлигини кўриш мумкин.

— Виллоятда Инқирозга қарши чоралар Дастури ҳамда ҳудудий бандлик дастурлари доирасида минглаб янги иш ўринлари яратилди, — деди виллоят партия Кенгаши раиси Қомильжон Шодиметов. — Бунга депутатларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшибди. Бирок, айрим туман ва шаҳар партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳали-ҳануз ўз вазифаларини пухта билишга қўшгани йўқ. Аҳолининг таъминлаш, касалчиликка йўналтиришга виллоят партия Кенгаши салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Фаоллар томонидан касалчилик ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид қўллаб-таъдирлар ўшатирилди. Аммо, конференцияда таъкидланганидек, виллоят партия ташкилоти ҳудудий бўлиналари билан йўналишдаги ишларни яна бир бор кўриб чиқиш керак. Ахир, бугун ўзимиз муносиб иш топпайди уйда ўтирган хотин-қизлар талайгина. Қорхона ва ташкилотлар, турли идора ва муассасалар

Хисобот-сайлов конференциялари

Қатъият ва ташаббускорлик керак

Вилоят Кенгашлари конференцияларида фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирилди, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди



да эса бўш иш ўринлари етарлича. Ҳўш, нега шу масалани ечишда Кенгаш ташаббуси қўлга олмапти? Ахир, бу «Адолат» СДПнинг мақсад ва қарғаларига ҳамоханг эмасми?

— Олдинги сайловда депутатликка номзод кўрсатишда хотин-қизларга 30 фоизлик квота берилганди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зухра Ботирова. — Шунга қарамай виллоятда туман ва шаҳар Кенгашлари бор-йўғи икки нафар аёл депутат этиб сайланди. Бу ҳол партия фаоллари учун катта сабоқ бўлмоғи лозим. Негаки, виллоятда салохиятли хотин-қизлар қўлини ташкил этиди. Бўлуғи сайловларда ана шундай аёлларнинг номзодларини депутатликка кўрсатиш, маҳаллий Кенгашларда хотин-қиз депутатларимиз сонини ошириш орқали виллоятда аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мумкин.

Конференция давомида виллоят

катлар амалга оширилди. Партиявий-ташқилий ишларни талаб даражасида ташкил этиш борасида амалий қўлима орттирилди, етарли тажриба тўпланди. Аммо, шу билан бирга, беш йиллик фаолият мобайнида қатор хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Виллоятда партия нуфузини оширишда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмади. Шунинг учун виллоят партия Кенгаши олдинда ҳали бажарилиши лозим бўлган қўллаб-қўллаш вазифалар мавжудки, бу партия етакчилари, фаоллари ҳамда депутатлардан ишга янгича ёндашушни талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, конференция ўз ўзини танқид руҳида, қизгин баҳомунозарларга бой тарзда ўтди. Виллоят Кенгаши фаолияти атрофлича сарҳисоб қилиниб, ютуқлар эътироф қилинди, камчиликлар очик-ошкора айтилди. Таъкидланганидек, ўтган йиллар ичида виллоятда партиявий-ташқилий иш-

Шунинг учун ҳам мазкур туманлардаги айрим қорхона, ташкилот ва муассасаларида бошланғич партия ташкилотлари номигагина тузилган, ҳолос. Бу бошланғич ташкилотларда тарғибот-таъшиқот тадбирларини ўтказиш ёки янги аъзоларни жалб этиш, қўлаверса, аъзолар бадалларини тўлаш борасида деярли амалий ишлар олиб борилмапти. Виллоятда, мамлакатимизда катта салоҳиятга эга бўлган Термиз шаҳрида партия Кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлардан ҳам қониқиб ҳосил қилиб бўлмади. Келинг, шу ўринда рақамларга мурожаат қилайлик. Шаҳарда ҳозирги вақтда 3 мингга яқин турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, муассасалар ва хусусий фирмалар фаолият юритмоқда. Қарангки, уларнинг аттиги 12 тасидангина партиянинг бошланғич ташкилоти тузилган. Бу юқорида тилга олиб ўтилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 0,2 фоизини ташкил этади.

Конференция делегатлари виллоят Кенгаши қосидаги Хотин-қизлар ҳамда «Еш адолатчилар» Кенгашларининг фаолиятини ҳам қизгин муҳокама қилишди. Ўтган йиллар давомида мазкур Кенгашлар ташаббуси билан таълим муассасаларида, маҳаллаларда, қорхона ва ташкилотларда хотин-қизлар ва ёшлар ҳўжаси, уларни иш билан таъминлаш мавзуларига бағишланган ўнлаб семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди. Жумладан, шу йилнинг май ойида Хотин-қизлар Кенгаши ташаббуси ва ташкилотчилиги билан ташкил қилинган «Молиявий инқироз шароитида қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашнинг ҳўжаси асослари» мавзусидаги семинар барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Партиянинг дастурий мақсад ва қарғаларини рўйбга чиқаришда депутатлик гуруҳларининг ўрни беқийс. Шу туфайли конференцияда «Адолат» СДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фаолиятига танқидий ёндашилди, очик фикр билдирилди. Айрим депутатлар фаолияти суёт эканлиги, уларда қатъият, ташаббускорлик, жонбозлик, изланувчанлик еттишмаётганлиги таъкидланди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собир Турсунов сўзга чиқди:

— Электротар маънафатларини Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари орқали ҳимоя қилиш асосий механизмлардан бири ҳисобланади, — деди нотик. — Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларда муносиб қатнашиш — етарли депутатлик ўринларига эга бўлиш масаласига жиддий ёндашиш талаб этилмоқда. Эеро, бўлуғи сайловларда муваффақиятга эриша оласанми, виллоят партия Кенгашининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар масалаларини ечишдаги иштироки кенгайди. Ана шундангина аҳоли, электротарнинг партияга бўлган ишончи янада ортади.

Ўтган сайловда партиядан Халқ депутатлари виллоят Кенгашига уч киши депутат этиб сайланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат сайланишига эса эришилмади. Бу партия олдинда турган муҳим синов — сайловга пухта тайёргарлик қўриш, сайлов кампаниясида фаол иштирок этиш зарурлигини билдиради. Делегатлар ўтган сайловдаги мағлубиятлардан турли ҳўлоса чиқариш навабдаги сайловда муваффақиятларга катта омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди.

Конференция ишида виллоят партия Кенгашининг Тафтиш комиссияси раиси Холмухаммад Жўраев, Денов туман Кенгаши раиси Урал Ҳамроев, Термиз Давлат университети бошланғич

партия ташкилоти етакчиси Эркин Бобомуродов ва бошқалар сўзга чиқиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Хисобот-сайлов конференцияда виллоят партия Кенгашининг янги таркиби, Тафтиш комиссияси ва Ўзбекистон «Адолат» СДП Қурултойига делегатлар сайланди.

СўЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА Фарҳиддин ФАЙЗИЕВ, Олтинсой туман партия Кенгаши раиси:

— Конференцияда фаолиятимизга очик ва ҳолис баҳо берилди. Олдимизда турган долзарб вазифалар аниқ белгилаб олинди. Айтиб ўтилганидек, фаолиятимизни янада кучайтиришимиз, том маънода, халқ, электротар ичига кириб боришимиз талаб этилмоқда. Бунинг учун эса ҳар бир партия аъзоси ўз зиммасидаги масъулият нечоғли катта эканлигини ҳис этиб яшамоғи, ишламоғи керак. Давлатдорлик ҳисси биз, партиядошларимиз бир дақиқа бўлса-да, тарк этмасин. Шунда бизга ишонган одамларга нафимиз тегади, уларга амалий ёрдам бера оламиз.

Ҳайитмурод РАҲИМОВ, Халқ депутатлари виллоят Кенгаши депутати:

— Бугун олиб бораётган фаолиятимиз қўламини, самарадорлиги бўлуғи сайловдаги иштирокимиз натижасини белгилаб беради. Партияимиз мақсад ва қарғаларини амалга оширишга беписанд кишилар депутат этиб сайланишига эса асло йўқ қўйиб бўлмайдим. Ана шуни инобатга олган ҳолда иш олиб боришимиз жудаям зарур. Акс ҳолда, сиёсий рақобатда бошқа партиялар «ўлоқни олиб кетиш» мумкин.

Бўҳоро виллоят партия Кенгаши конференциясида делегатлар ҳисобот даврида амалга оширилган ишларни батафсил таҳлил қилишди, галдаги вазифалар тўғрисида атрофлича фикрлашди.

Конференция аввалида виллоят Кенгаши раиси Раҳмат Аҳмедов иштирокчиларга Кенгашнинг сўнгги беш йиллик фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

— Хисобот даврида виллоят партия ташкилоти ташқилий жиҳатдан мустақамланди, гоёвий жиҳадидан, — деди Кенгаш раиси. — Бунинг ўтказилган тадбирлар, илгари сурилган ташаббуслар ва амалий ишларда ҳам қўриш мумкин. Айни чоғда эса тарғибот-таъшиқот ишларини янада кучайтириш, аъзолар сифини кенгайтириш ва бўлажақ сайловда фаол қатнашиш каби бир-биридан муҳим вазифаларни ҳал этишга қаттиқ бел боғлаганимиз.

Виллоят партия ташкилоти раиси таъкидлаганидек, партия фаоллари Давлат дастурлари ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатишмоқда. Шунингдек, турли мавзулардаги тадбирлар қўламини ҳам, таъсирчанлиги доираси ҳам кенгайиб бораётди. Масалан, сўнгги беш йилда 1400 дан ортқ ана шундай тадбирлар ўтказилиб, уларда салкам 90 минг нафар киши иштирок этди. Бунинг самараси ўлароқ, воҳода партия маъқулини. Партия аъзолари жорий йилда 600 нафарга, сўнгги беш йилда эса қарийб 55 фоизга ортганлиги ҳам сўзи-миз тасдиғидир.

— Кези келганда, виллоятда партия маъке-нуфузини янада мустақамлаш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир, — деди конференцияда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зухра Ботирова. — Таҳлиллар виллоят Кенгаши, унинг қўли бўғинлари, айниқса, бошланғич ташкилотлари фаолиятида баъзи бир камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу боис ҳам аъзолар бадалларини йилиш режаси 2007 йилда 8,1, 2008 йилда 28,6 фоизга бажарилган. Когон шаҳар партия Кенгаши раиси лавозими эса ана вақтдан бери бўш турибди. Бундай камчиликларга тезда барҳам бериш чоралари қўрилиши лозим.

Музоқараларда сўзга чиққанлар виллоят партия Кенгаши фаолиятини янада кучайтириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари, тақлифлари билан ўртоқлашди.

Хисобот-сайлов конференциясида қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
Бахтиёр ТЕМИРОВ,
Қамол АЛЛАЕВОВ,
«Адолат» мухбири.

Обод юртга кўркам уйлар ярашади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ана шу лойиҳаларни, ишланмаларни кўрғазмада кўриб кўнгилм тоғдек кўтарилди. Масалан, мана бу лойиҳа Касби туманида бунёд топдиган намунавий қишлоқ аҳоли пунктини олайлик. 6,4 гектар майдонни эгаллаган бу ерда 64 та уй-жой қурилади. Ҳар бир уй-жойнинг дарвозаси меҳмонхона билан хонадон эгалари яшайдиган турар-жойларни ажратиб туради. Қўлайлиги шундаки, меҳмон ҳовли этакдан келиб, шу ерда кузатиб қолинади. Озроқ бўлса, дов-дарахт ва экин майдонлари ҳамда чорва моллари бинолари ҳовли ортда қўйлашади. Чорва моллари учун орқа томондан алоҳида дарвоза... Хуллас, қишлоқ аҳолининг замонавий турмуш тарзига барча шароит муҳайё...

ва кўркам. Кўркам юртга кўркам қишлоқлар, кўркам уй-жойлар ярашади. Навбатдаги суҳбатдошимиз Тошкент архитектура ва қурилиш институти талабаси Ҳайдар Розиков бўлди. —Тўғриси, қишлоқларимизда қурилиш мўлжалланаётган бундай шинам уй-жойларни тасаввур қилиб, ўзим туғилиб ўсган узок Томди чўлларидаги овуллари кўз олдимга келтирдим. Ишонман, бундай турар-жойлар Навоий вилоятида ҳам барпо этилади, албатта. Мен бўлажак бир архитектор сифатида уларнинг лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этишимни ўйлаб, фахрланиб кетаяпман. Чунки, ҳозирдан лойиҳалаш муассасаларида амалиёт таъбирига ўтаёпман...

Кўрғазма якунидан қайтар эканмиз, бўлғуси шинам ва замонавий уй-жой лойиҳалари билан танишиш учун бу

ерга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган меъморлар, лойиҳачилар, қурувчилар, қурилиш материаллари, электр ва маиший жиҳозлар ишлаб чиқарувчилар, улгуржи-чакана савдо компаниялари вакиллари, фермерлар, тадбиркорлар, талаба-ёшлар, уй-бекалари, маҳаллалар фаолларини кўриб, уларда қишлоқларимиз келажагига нечоғли қизиқиш катталигини ёрқин ҳис этдик. Ва беихтиёр Президентимиз Ислам Каримовнинг «Она-Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча одамзод учун гўёки қишлоқ тимсиридан бошланади» деган сўзларини эслаб, ҳар биримиз қаерда яшамайлик, қайси лавозим ёки мартабада ишламайлик, ўзимизнинг қишлоққа дахлдорлик туйғумини яна бир қарра чуқурроқ англагандек бўлдик.

Даврон САЪДУЛЛАЕВ, «Адолат» мухбири.



Боксчиларимиз ғалабаси



Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча жаҳонларда бўлгани каби жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам бемисл қўламли ишлар амалга оширилиб, улкан ютуқлар қўлга киритилди. Ҳамюртларимиз Олимпиада ўйинларида, қитъа ва жаҳон чемпионатларида, турли нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишмоқда. Ватанимиз шухратли шухрат қўшишмоқда. Кўнгилга чексиз фахр-ифтихор бағишлайдиган бундай ютуқлар, албатта, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга, қолаверса, спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор натижасидир.

Ўзбекистон бокс мактаби жаҳонда ўз ўрнига, юксак салоҳиятга эга. Негаки, юртимиз «чарм қўлқоп» усталари, хоҳ қитъа, хоҳ жаҳон миқёсида бўлсин, барча мусобақаларда муносиб қатнашиб келмоқдалар. Жорий йилнинг 1-12 сентябрь кунлари Италиянинг Милан шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам боксчиларимиз зафарли олимларини дадил давом эттиришди. 133 мамлакатдан 554 нафар боксчи иштирок этган мусобақада турт нафар вақилимиз чемпионат шохсупасига кўтарилди. Умуманмуса ҳисобда эса фахрли учинчи ўрин қўлга киритилди. Ваҳоланки, чемпионат бахслари нихо-

ятда муросасиз ўтди, ҳар бир вазн тоифаси бўйича ғолибликка эришиш учун кураш ниятда қизгин кечди. Бухоролик иқтидорли боксчи Аббос Атоев (75 килограмм вазн тоифасида) чемпионат жанглирини зўр кўтаринкилик билан ўтказиб, барча рақибларини мағлуб этишга муваффақ бўлди. У биринчи боксчида ганалик Ахмед Саракудан устун келди: ҳисоб — 16:4. Кейинги боксчидаги жанг бор-йўғи бир раунд давом этди, ҳолос. Кенгтаро Ҳашиши (Япония) боксчиларимизнинг кетма-кет зарг-баларига дош бера олмади ва нокаутга учради. Бразилиялик Ямагучи Флорентино, Германиялик Константин Буга,

ҳиндистонлик Кумар Вихеднерлар билан кечган кейинги жангларда ҳам Аббос Атоевнинг қўли баланд келди. Финал баҳсида эса ҳамюртларимизга янада таърибли боксчи, ўтган йилги жаҳон кубоги соҳиби Андраник Аюпан (Арманистон) рўбару келди. Бироқ боксчиларимиз рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Ваҳоланки, ушбу баҳсдан олдин мутахассислар, қўлаб буюмкерлик идоралари А.Аюпаннинг ғалабасини баъжорат қилишган эди.

Шундай қилиб, моҳир спортчимиз жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Бу унинг кетма-кет иккинчи ғалабасидир. У бундан икки йил муқаддам АҚШнинг Чикаго шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 81 килограмм вазн тоифасида қатнашиб, шохсупага кўтарилганди. Яна бир моҳир боксчимиз Элшод Расуллов ҳам чемпионат бахсларида кўнгилдагидек иштирок этди. Фақат у бу гал бошқа вазн тоифаси (81 килограмм)да рингга чиқди. Аввалги мусобақаларда эса Элшод 75 килограммлик рақибларига қўлдан келтирилган ўртадаги мусобақаларда қатнашди. Хуллас, боксчиларимиз финал жангига қадар Ндере Жошуа (Кения), Жильберт Кастильо Ривера (Доминикан Республикаси), Рене Краусе (Германия) ва Абдулқодир Бузъни (Франция)ларни мағлубиятни тан олишга мажбур этди. Афсуски, финалда унга омад бироз қўлиб бекмади. 10:13 ҳисобда имкониятни бой берган ҳамюртларимиз чемпионатнинг қумуш медали билан қайтарилди.

Шунингдек, ярим финал бахсларида Баҳодиржон Султонов (57 килограмм) Сергей Водопьянов (Россия)га, Ботиржон Махмудов (69 килограмм) Жек Куклей-Кетч (Германия)га қичик ҳисобларда мағлуб бўлиб, бронза медалларининг соҳиби бўлишди.

Жорий йилнинг 15 сентябридан қардош Туркменистон Республикасида «Ўзбек киноси кунлари» бошланди. 20 сентябрга қадар давом этайдиган бу анжуманда томошабинлар эътиборига турли жанрларда суратга олинган 21 та фильм намойиш этилмақда.

ТУРКМАНИСТОНДА ЎЗБЕК КИНОСИ КУНЛАРИ

— Аввало шунини айтиш керакки, бу тадбирга қизгин тайёргарлик кўрдик, — дейди «Ўзбекистон» Миллий агентлиги Бош директори ўринбосари Ж. Қосимов. — Чунки, ҳар икки мамлакатда давлат мустақиллигига эришгандан буюн бундай кенг қўламли маданий алоқаларни мустақамлашга интилиш тобора қучиб бораётганлиги. Санъат соҳасидаги ютуқларимизни ўртоқлашиб, бир-биримиздан ўрганадиган қирраларни аниқлаб олишга зарурат етилган. Шунинг учун синчков томошабинлар «Ўткан кунлар», «Суюнчи», «Йўл бўлсин», «18-квадрат» каби бадиий, «Қуллол», «Қуш», «Сусамбил», «Қирқ ёлғон», сингари мультпликацион ҳамда «Регистон — Самарқанд гавҳари», «Имом ал-Бухорий», «Тошкент — ислом маданияти пойтахти», номли ҳужжатли фильмларни катта қизиқиш билан қарши олишяпти.

Мурод ДИЛ.

Барча яхши нарсалар аҳолига

Бугунги кунда аҳолини кунда-лик озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларга намунали савдо хизмати кўрсатишни ташкил этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. «Барча яхши нарсалар аҳолига» шиори остида иш юритаётган Тўртқул туманидаги «Тўртқул универсал улгуржи савдо базаси» маъсулияти чекланган жамияти жамоаси бу борада эътиборга молик ишларни амалга ошириб келмоқда.



Айни пайтда жамият тасаруфидидаги 15 га яқин савдо шаҳобчалари орқали ҳамда 50 дан ошми шартнома асосида иш юритувчи хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорликда тўқма ахлига, қолаверса, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда қўшни туманларга ҳам улгуржи савдо хизмати кўрсатишмоқда. Уларда аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида банк терминаллари ўрнатилган.

— «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ Мустақиллик йилининг 18 йиллик байрами арафасида 2 та замонавий дуконни фойдаланишга топширдик, — дейди жамият раиси Иzzат Хўжаниёзов. — Бу бизнинг қишлоқ ахлига кичкинагина бўлсада муносиб тўхтамиз ва намунали хизматнинг бир қўриғи.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2010 ўқув йилида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизими муассасалари учун мактаб бозорларини ташкил қилиш ҳамда уларни ўқув қуроллари ва зарур анжомлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳридаги «Маданий моллар» базасидан 24,6 миллион сўмлик 30 хилдаги ўқув қуроллари ва

Фуқаро учун сиёсий эркинлик руҳий хотиржамликдир, шунда у ўзининг хавфсизлигига ишонди.

Шарль МОНТЕСКЬЕ.

Хуқуқ эҳтирослар устидан ҳуқуқронлик қилган мамлакатдагина эркинлик бўлиши мумкин.

Жан ЛАКОРДЕР.

Эркинликни яхши кўрмайдиган одам йўқ, аммо ҳаққий одам уни барча учун, ноҳақ эса фақат ўзи учун талаб қилади.

Карл БЕРНЕ.

Тошкент шаҳридаги «2-автобус саройи» очик акциядорлик жамияти пойтахтимиз ахли ва меҳмонларининг манзилларини яқин, қўнғилларини хушнуд қилиш мақсадида янги русумдаги «Мерседес бенц low floor конекто» ва «Isuzu» автобуслари қатновга қўйлаётганлиги муносабати билан «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни **ИШГА ТАҚИЛФ ЭТАДИ**

Ойлик маошлари:

- «Мерседес бенц» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун — 350 000 дан 500 000 сўмгача;
- чиптачилар учун — 150 000 сўмдан юқори.
- «Isuzu» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун — 250 000 дан 350 000 сўмгача;
- чиптачилар учун — 150 000 сўмдан юқори.

Мурожаат учун телефонлар: 296-32-60 (ҳодимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона).

ДИКТАТ. КИМОШДИ САВДОСИ:

- «Мерседес бенц О-405» русумли автобуслар кимошди савдоси орқали сотишга қўйилмоқда.
- Кимошди савдоси шў йилнинг 17 сентябрида ўтказилди ва яна 6 октябрда бўлиб ўтади.
- «2-автобус саройи» ОАЖ маъмурияти.

Мурожаат учун телефонлар: 296-32-60 (ҳодимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона).

Мустақиллик тарихининг янги талқини

Ўтаётган ҳар бир кунимиз тарих саҳифасига айланаётган. Мустақиллик даврининг 18 йили ҳам ўта залворли, машаққатли, зиддиятларга тўла сермизмун давр сифатида тарихга кирди.

«Мустақил Ўзбекистон тарихи» китобининг тўдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашрида мамлакатимизда кенг миқёсда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий ислохотлар таҳлилига алоҳида эътибор берилган. Китоб содда, тушунарли тилда ёзилган. Унинг ўзига хос томони шундаки, ҳар бир тарихий воқеа ёритилган жойда шу воқеага дахлдор бўлган расмий ҳужжат ва хронологик курсаткилар илова қилинган. Бу эса ўқувчини яна бир бор мазкур воқеанинг моҳиятига етишга ундайди, уни чуқурроқ англаб олишга ёрдам беради. Бундай усул методологик жиҳатдан энг тўғри йўлдир.

Асарни ўқир экансиз, ҳақиқатдан ҳам, ўтган давр мазмунини жиҳатидан салмоқли, тизимли ва шиддатлиги билан асрларга тенг бўлганлигини ҳис қиласиз. Муаллифларнинг тарихнависликка бутунлай янгича муносабатлари кўзга яққол ташланади. Жумладан, улар турли ёндашувлар, муносабатлар ва қарашлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ўз усул ва муносабатларини етарли даражадаги самимият, илмий асосланган ҳулосалар орқали билдиришди.

Мустақиллик тарихига бундай ёндашнинг, албатта, ўзига хос сабаблари бор. Чунки, жамият тубдан янгиланаётган, миллий давлатчиликка асос солинаётган, янгича тафаккур ва фикрлаш тарзи билан боғлиқ турмуш тарзи жиддий равишда ўзгараётган бир пайтда фуқаролар давлат раҳбарига қараб ибрат олади, унга эргашади. Табиийки, бундай ҳолат жамиятда ислохотлар ташуубсиз бўлган Президентнинг роли ва таъсирини ҳар қачонгидан ошириб юборади. Шу тарихий жараён мазкур китобда ахлит, ўзгариш ва тизимли тарзда таҳлил қилинган. Аслини олганда ҳам ўзимиз гувоҳ бўлиб турган замондошларимиз азму шижоатига, қатъий ирода ва мақсадлар устувор бўлган тарихий жараёнларга муҳаббатнинг қучли қудратини илмий-публицистик усулда тўла-тўқис намойиш этиш мумкин.

Балки тарих ёзиш учун маълум бир давр, вақт керакдир. Чунки, ҳар қандай нарсасга ўзқадар қаралса, унинг қўламини ва салобати ахлит кўзга ташланади. Бироқ, энг янги тарих ҳақида фикр юритаётганларимизда унинг турлидир-турли иштирокчиси, ижодкори, яратувчиси эканлигини, тизимли воқеалар ва сиёсий жараёнларнинг ичиди яшаётганлигини назарда тутсақ, бундай услубнинг қиймати янада ошади.

Ўтиш даврида аҳолини қучли ижтимоий ҳимоялаш, ҳеч қандай бўҳронларсиз, яъни «ларза»ларсиз, қашшоқликка йўл қўймасдан аҳолининг турмуш даражасини муттасил ошириш, қўнмилатилиш мамлакатда миллатлараро тотувлиқни, турли диний ва миллий эътиқоддаги халқ бирлигини таъминлаш, уларни ягона умуммиллий манфаат атрофида жипс-лаштириш, миллий хавфсизлик ва муҳофаза масалаларини ҳал этиш сингари масалалар ҳақида долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон давлатининг ушбу муаммоларни ҳал этиш борасидаги ўзига хос сиёсий йўли, ислохотларнинг жаҳон тан олган «Ўзбек модели» мазкур асарда етарли даражада очиб берилган.

Муаллифлар — Нарзулла Жўраев ва Турсунбой Файзуллаевлар китобда ана шу ижтимоий-иқтисодий жараённи бир томондан тарихий хронологик тарзда баён этишса, иккинчи томондан мазкур жараён динамикасининг маданий, фалсафий, ҳуқуқий ва маънавий моҳиятини чуқур таҳлил қилиб берганлар. Бу ўқувчиларнинг ислохотлар моҳиятини чуқурроқ ўрганиб олишлари, миллий истиқлол юзаси атрофида бирлашишга ёрдам беради.

Шунингдек, Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти мавзуси мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосини ташкил этади. Муаллифлар бу борада давлатимизнинг мамлакатлараро, минтақалараро алоқалари, халқаро ташкилотлар таркибидида кенг миқёсдаги фаолияти, хусусан, Марказий Осиё, МДҲ, БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ ва бошқа нуфузли уюшмалар орқали ер юзиди тинчлик ва барқарорлик учун курашаётганлигини батафсил ёритиб беришган. Ўзбекистоннинг Халқаро терроризм, диний ақидаларистлик ва экстремизмни бартараф этишда дунёнинг энг фаол ва таъсирчан мамлакатига айланганлиги аниқ далиллар асосида баён этилган.

Умуман, китоб шакл ва мазмун жиҳатдан ўзига хос қўлланма. Унинг оммавий нусхаларда ҳар икки алифбо (кирилл ва лотин)да нашр этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, мустақиллик даври тарихининг бундай ахлит ва ҳолис илмий талқини ҳамма учун зарур.



Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги,
Исмоил СОИФНАЗАРОВ,
Фалсафа фанлари доктори, профессор.

Брифинг Профилактика инспекторлари

масъулияти ошмоқда

Ички ишлар вазирлигининг Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош боксқармасида «Маҳаллада профилактика инспекторлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда маҳалла посбонлари томонидан ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш бўйича ҳамкорликда олиб бораётган ишлари» мавзусида брифинг бўлиб ўтди. Унда ички ишлар идораларининг масъул ходимлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош боксқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Ғанишер Эшонқўлов сўзга чиқиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий

ҳаётида юз бераётган улкан ўзгариш ва янгиланишларда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам ўз ўрни ва роли борлигини алоҳида таъкидлади.

— Президентимиз раҳнамоллигида тизимда олиб борилган кенг қамровли ислохотлар тўғрисида ҳар бир профилактика инспекторига 2,5 мингдан 4,5 минг нафаргача аҳоли тўғри келишига эришилди. Бу эса ҳар бир маҳалла, энг олис қишлоқ ва овулларимизгача халқ билан бирга нафас оладиган, унинг дард-ғамига ҳамдард, маънавий жиҳатдан етук профилактика инспекторларининг масъулияти янада ортмоқда.

— Профилактика инспекторлари нафақат жиноятчиликка қарши курашувчи сифатида, балки

ки жазодан озод этилганларни маънавий қўллаб-қувватлаш ва доимий ишга жойлаштиришга масъул ходим сифатида фаолият юритса қўлланган мақсадга эришиш осонлашади, — деди фуқароларнинг жамоат уюшмалари билан ҳамкорлик қилишни ташкил этиш бўлими бошлиғи, майор Ғайрат Пармонов. — Бу эса профилактика инспекторларининг хизматига бўлган масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Дарвоқе, брифингда иштирокчилар ўзларининг қизиқтирган саволларига керакли жавобларни ҳам олишди. Келгусида шундай брифинг ва тадбирларни мунтазам ўтказиш туришга келишиб олинди.

Эминжон ЙЎЛДОШЕВ,
«Адолат» мухбири.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши партия Сийёсий Кенгаши аъзоси ва фахрийси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор

Тўхтамурод Жўраевич Жўраевнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

АДОЛАТ

ИЖТимоий-СИёсий ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИёсий КЕНГАШИ

adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худойёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс);
копибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат бўлими» — 236-57-14

ISSN 2091-5217

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МУМИНОВ,
Жовдатхон ИНОМОВОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,

Мамазор ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Рашид ХАЙДАРОВ,
Совет ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Талъат МУРОДОВ,
Қодир ЖЎРАЕВ.

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

- «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
- т — Тижорат мақсадлари белгисиз.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Муродулло ҒАФУРОВ
Навбатчи — Фарҳод ЭСОНОВ